

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 11 июнь, Душанба

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил  
1 июндан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 110 (10.919)

Баҳоси эркин нарҳда

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши томонидан Жиззах вилояти ҳокимлигида ўтказилган семинарда Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг моҳияти, унинг ижроси юзасидан фикр алмашилди.

● Самарқанд шаҳрининг Сўғдиёна мавзеида «SOS Киндердорф интернешнл» халқаро жамияти кўмагида бунёд этилган «SOS – Самарқанд болалар маҳалласи»нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган 52 нафар бола истиқомат қилиши кўзда тутилган ушбу тарбия масканига «SOS-Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси томонидан замонавий компьютер тўплами ҳамда Самарқанд автомобил заводида чиқарилган автобус топширилди.

● Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўرғазмалар залида Ватанимиз ҳамда Корея Республикаси мусаввирларининг кўرғазмаси бўлиб ўтмоқда.

● Андижон вилояти пиллакорлари 2600 тонна «кумуш тола» тайёрлаб, йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажардилар. Ҳар кути курт уругидан 47,4 килограмм ўрнига салкам 49 килограммдан ҳосил олинди.

● Ҳазорасп тумани ветеринария бўлими томонидан шахсий чорваси бор қишлоқ учун яна бир қулайлик яратилди. Аҳоли қарамонидики қорамоллар ва уй паррандаларига хизмат кўрсатувчи шохобчалардан 4 тасида қорамолларни сунъий урчитиш йўлга қўйилди.

● Акциядорлик тижорат «Пахтабанк»нинг Дўстобод филиали жорий йилнинг 1-чорагида ўз маблағи ҳисобидан Куйи Чирчиқ туманилик кам таъминланган 18 оилага қорамол сотиб олиш учун 14 миллион 961 минг сўм, Ишсизларни иш билан таъминлашга қўмақлашувчи давлат жамғармаси ҳисобидан эса 15 оилага 7 миллион 500 минг сўмлик имтиёзли кредит ажратди.

● Урганч шаҳрида ёшлар ўртасида ОИТС, гивандлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган «Барҳаёт анъаналар» фольклор танловининг республика босқичида Қарши муҳандислик иқтисодий институтининг «Насаф навоси» жамоаси ғолиб чиқди.

● Асака туманида Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан фермер хўжаликлари раҳбарлари, илмий-тадқиқот институтлари олимлари, хорижий мамлакатлардан келган мутахассислар иштирокида республика кўрғазмали семинари ташкил этилди.

## ЖАҲОНДА

● Францияда кеча миллий ассамблеяга сайловларнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Унда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган сайловчиларнинг 37 фоизи иштирок этди.

● Кеча Никарагуа Президенти Даниэл Ортега расмий ташриф билан Эронга келди. Эрон президенти Махмуд Ахмадинажот билан учрашув чоғида Никарагуа давлати раҳбари ушбу мамлакат Эрон билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш йўлидан боришини, бироқ АҚШ билан ҳам муносабатларини давом эттириверишини таъкидлади.

● Европа Иттифоқи Сербия ва собиқ Югославия бўйича халқаро трибунал ўртасидаги ҳамкорлиқнинг яхшиланганлигини ва натижада Босния муслмонларига қарши геноцидда айбланган Сербия генерали Здравко Толмиернинг ҳибсга олинганлигини эътироф этиб, мамлакатнинг мазкур бирлашмага аъзо бўлиши масаласига бағишланган музокаралар 13 июнда қайта бошланишини эълон қилди.

● Литва республикаси маъмурияти мамлакатга ташрифи таъкидланган рўйхатини эълон қилди. Ушбу рўйхатда Беларусь Президенти Александр Лукашенко ҳамда мазкур мамлакатнинг юздан ортиқ сийosat ва давлат раҳбарлари бор. Республикасининг бу қарори Европа Иттифоқи санкциясини тасдиқлашди, негаки, Литва Европа Иттифоқининг аъзоси сифатида санкция талабларига қўшилади.

● Кеча Туркиянинг 12 миллион киши истиколат қилувчи йирик Истамбул шаҳридаги «Мақдональдс» қаҳвахонаси ёнида содир этилган портлаш оқибатида 17 киши ҳаётдан кўз юмди.

● Арманистон Президенти Роберт Кочарян республика Конституциясининг 55-моддаси, 4-пунктига асосан ҳамда янги сайланган парламент—Миллий йигинининг биринчи мажлиси бўлиб ўтганини ҳисобга олиб, ҳукумат истеъфосини қабул қилди. Президент фармонида кўра, янги ҳукумат тарихий шаклланганга қадар эски ҳукумат ўз вазифасини бахариб туради.

● Исроил ҳукумати яширинча ишлаётган Фаластин радиолари фаолиятини тўхтатиб қўйди. Гап шундаки, ушбу радио тўқналарини «Бен Гурцион» аэропорти диспетчерларининг самолётлар билан алоқа ўрнатилишига халақит берган.

● Арабистон ярим ороли шарқий қирғоқларида сўнги 60 йил ичида рўй берган энг кучли бурон —«Гонью» оқибатида Уммонда 28 киши ҳаётдан кўз юмган ва шунча киши турли даражадаги тан жароҳатларини олган.

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА 8 ИЮНЬ КУНИ ОҚСАРОВДА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ХАМДА БУЮК БРИТАНИЯ ВА ШИМОЛИЙ ИРЛАНДИЯ БИРЛАШГАН ҚИРОЛЛИГИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИЛАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНГАН – КЕНГ ДЖЭ МИН ВА ЙАН ЧАРЛЬЗ МАКДОНАЛЬД КЕЛЛИ ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ТОПШИРДИ.

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, элчиларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, юртимизда бошлётган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Жануби-шарқий Осиёдаги энг ишончли шерикларидандир. Икки мамлакат ўртасида олти марта олий даражадаги ташриф бўлиб ўтди. 2006 йил мартда Ўзбекистон раҳбарининг Жанубий Кореяга давлат ташрифи асосида Президентлар — Ислom Каримов ва Но Му Хён Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолаганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда ўзаро муносабатлар ана шу ҳужжат руҳига мос тарзда ривожланмоқда.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиб, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Парламентлараро алоқалар изчил ривожланаётди. Корея Республикаси Миллий ассамблеясида Ўзбекистон билан дўстлик парламент уюшмаси тузилган. Олий Мажлисда Корея билан ҳамкорлик гуруҳи таъсис этилган.

Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий шериклари орасида Корея Республикаси етакчи ўрин тутди. 2006 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 613 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда корейлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 138 қўшма корхона, Жанубий Кореянинг 45 компанияси ваколатхонаси фаолият кўрсатяпти.

Ушбу мамлакатнинг янги тайинланган элчиси Кенг Джэ Мин билан суҳбат чоғида муносабатларни барча соҳаларда янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, корейлик дипломат иқтисодий ҳамкорлик қамровини кенгайтириш учун имкониятлар кўп эканлигини, бу хайрли мақсад йўлида куч-ғайратини аямая меҳнат қилишини таъкидлади.

Буюк Британия ишбилармон доираларида ҳам Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқаларини кенгайтиришга қизиқиш катта. Буюк Британия савдо таснифида Ўзбекистон «стратегик бозор» гу-

руҳидаги мамлакатлар сафига киритилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Буюк Британия сармоёси иштирокида тузилган 195 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Буюк Британиянинг 55 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Умуман, Буюк Британия Ўзбекистоннинг Европадаги йирик савдо-иқтисодий шерикларидан бири саналади. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 254,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Буюк Британия кенгашининг 2006 йил апрелда бўлиб ўтган 13-махлиси ҳамкорлик қўламини ошириш учун катта салоҳият мавжуд эканлигини яна бир бор намоиш этди. Айниқса, тоғ-кон саноати ва нефть-газ соҳаси устувор аҳамиятга эга.

Тошкентда Халқаро Вестминстер университети очилгани гуманитар ҳамкорлик самарасига ёрқин мисол бўла олади. Икки мамлакат олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган. «Соғлом авлод учун» ва «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари билан «British East-West Centre», «Everychild», «World Vision», «Oxfam», «HealthProm» каби ташкилотлар ўртасида бевосита алоқалар ўрнатилган.


Фанлар академиялари, қатор олий таълим муассасалари ақидан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Масалан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Археология институти ва Лондон археология институти ҳамкорлигида кўна Ахсиет (Фаргона вилояти) шаҳрида қадимги металлургия ва сопол буюмлар ишлаб чиқариш технологиясини ўрганиш бўйича лойиҳа амалга оширилди.

Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш чора-тадбирлари ишга солинмоқда. Ўтган йили Лондонда Ўзбекистоннинг сайёҳлик борасидаги салоҳияти ва имкониятларига бағишланган тақдирот маросими ўтказилди.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида британиялик дипломат Ўзбекистонга элчи этиб тайинланганидан беҳад мамнун бўлганини, юртимиз гўзаллиги, айниқса, Тошкентнинг кўрки ўзини мафтун этганини таъкидлади. Ўзаро ҳамкорлигини янада фаоллаштириш йўлида хизмат қилишга тайёр эканлигини маълум қилди.

(ЎЗА)

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Янгиликлар, воқеалар

Бундан ўн икки йил муқаддам ташкил этилган Тошкент Давлат авиация институти мамлакатимиз авиацияси ҳамда авиасозлик корхоналари учун малакали мутахассислар тайёрлайдиган ягона олий таълим муассасасидир.

Айни пайтда институтнинг авиационот, фуқаро авиацияси, менежмент факультетларида 11 йўналиш бўйича икки мингга яқин талаба таҳсил олмақда. Уларга бир юз тўқсон нафардан зиёд тажрибали профессор-ўқитувчи таълим беради.

**СУРАТДА:** институт фаолиятдан лавҳа ўзА олган сурат

## Қисқа сатрларда

● **ЎЧТЕПА** туманидаги Журжоний маҳалласида яшовчи бир гуруҳ бағоят ёшга етган ёшларга туман ИИБ ходимлари ишларида фуқаролик паспорти топширилди.

● **КАМОЛОТ** ЁИҲ Марказий Кенгаши, ҳаракатнинг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорликларида етакчи ёшлар маркази ташаббуси билан «Етакчи—2007» лойиҳаси доирасида уюштирилган ўқув курсини тугаллаган «Камолот» фаолларига сертификатлар топширилди.

● **ТОШКЕНТ** Тўқимачилик ва енгил саноат институтида «Болажонлар—ширинтойлар—2007» болалар либослари кўرғазмаси «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Халқ демократик партияси марказий Кенгаши ташаббуси билан ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда сиёсий партияларнинг ролига бағишланган УТГАН кўни ўтказилган семинарда партия фаоллари ва ёшлар иштирок эттиди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат педагогика университетида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан олий таълим муассасалари ўқитувчилари иштирокида уюштирилган анжуман шулуқсиз таълимни бошқариш тизимини мустаҳкамлаш ва шулуқсиз таълимнинг истикболларига бағишланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Болалар кутубхонасида Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида уюштирилган конференция «XXI асрда болалар китобхоналиги» деб номланди.

● **ЎЗБЕК** Миллий академик драма театрида Маннон Уйғур номли Тошкент Санъат институти битирувчи талабалари томонидан тайёрланган «Бир қанотлилар» диплом спектакли театр иҳлосмандларига ҳавола этилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Савдо-саноат палатаси ҳамда БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида тадбиркорлар иштирокида Ўзбекистонда тадбиркорлик ва кичик бизнесни янада ривожлантиришнинг истикболли йўналишларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● **ШАҲРИМИЗДА** «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан ўтказилган тадбирда мамлакатимиз тарихий ёдгорликларини ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ташаббуси билан экологик вазиятни барқарорлаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## БАХРАЙН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ: «ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ ОЛАМИНИНГ ГАНЖИНАСИДИР»

БАХРАЙН ПОДШОҲЛИГИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ШАЙХ ХОЛИД БИН АҲМАД БИН МУҲАММАД ОЛ-ХАЛИФАННИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ НИҲОСИСГА ЕТДИ. «ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ МУХБРИ БИЛАН БЎЛИБ ЎТГАН СУҲБАТДА ВАЗИР ЖАНОБЛАРИ САФАР ЯҚУНЛАРИ ЮЗАСИДАН ЎЗ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНИ ЎРТОҚЛАШДИ.

— Вазир жаноблари, Сиз Ўзбекистонга илк бор ташриф буюрдигиз. Мамлакатимизга буюрган ушбу ташрифингиздан кўзланган асосий мақсад ва вазифаларни билишни истар эдик.

— Биз бу ташрифга жуда катта аҳамият бермоқдамиз. Жорий йилда Ўзбекистон билан Баҳрайн ўртасида дипломатия алоқалари ўрна-

тилганига 15 йил тўлади. Ташриф доирасида муслмон дунёсининг энг маърифатарвар йўлбошчиларидан бири, ўз халқини асраб-авайлаётган мамлакатнинг янада тараққий этиши учун янгидан-яни имкониятлар яратяётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов жаноблари мени қабул қилгани каминга учун катта шарафдир.

(Давоми 3-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 39-МОДДАСИДА БЕЛГИЛАНГАНИДЕК, «ҲАР КИМ ҚАРГАНДА, МЕҲНАТ ЛАЁҚАТИНИ ЙЎҚОТГАНДА, ШУНИНГДЕК БОҚУВЧИСИДАН МАҲРУМ БЎЛГАНДА ВА ҚОНУНДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН БОШҚА ҲОЛЛАРДА ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА».

Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти масалалари аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтиришга қаратилган давлат сиёсатининг муҳим тарихий қисмидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн тўрт йиллигига бағишланган тантанали мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов айтган куйидаги сўзлар бунга ёрқин далил бўла олади: «Табиийки, «Ижтимоий ҳимоя йили» да эл-юртимизга кўп хизматни сингган, ҳозир ҳам ўзининг ҳаётий ўғитлари билан ибрат бўлиб келаётган мухтарам фахрийлар ва пенсионерларимизнинг соғлом ва мазмунли умр кечириши учун шариот яратиб бериш бўйича аввалги йилларда бошланган ижобий ишларимизни албатта давом эттиришимиз».

(Давоми 2-бетда).

## «ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбекино» Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини ва бошқа ижодкорларни мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказувчи, маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ролини кўрсатувчи, ижтимоий ҳаётда демократик ўзгаришлар ва янгилаш жараёнларини акс эттирувчи, фуқароларнинг бу жараёнлардаги иштирокини, эл-юрт равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатини ифodalовчи асарлар яратишга қорлаш мақсадида уларни республика мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган анъанавий «Энг улуг ва энг азиз» танловига тақлиф этади.

«Энг улуг ва энг азиз» танлови куйидаги номинатсиялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат асарлари;
- кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга куйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;

- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефони.

Ижодий ишлар «Энг улуг ва энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда 2007 йилнинг 1 августига қадар куйидаги манзила юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси.

Телефонлар: 144-32-33; 144-64-62; 144-57-24; 144-11-64

**Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллиги байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.**



Мавнавият — ак, кўзгуси

— Шайхонтоҳур туманида Мавнавият тарғибот маркази томонидан Президентимизнинг «Миллий гоя тарғиботи ва мавнавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ижросини ҳаётга кенг татбиқ этиш мақсадида туман аҳолиси, айниқса ёшлар ўртасида мавнавий-маърифий тарғибот ишларини қўлайтириш, уларни Ватанга муҳаббат, Истиқлол гояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тарбиялаш, юртимизда олиб борилаётган ислохотларни тарғиб этиш бўйича қўлаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

— Шайхонтоҳур туманида Мавнавият тарғибот маркази томонидан Президентимизнинг «Миллий гоя тарғиботи ва мавнавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ижросини ҳаётга кенг татбиқ этиш мақсадида туман аҳолиси, айниқса ёшлар ўртасида мавнавий-маърифий тарғибот ишларини қўлайтириш, уларни Ватанга муҳаббат, Истиқлол гояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тарбиялаш, юртимизда олиб борилаётган ислохотларни тарғиб этиш бўйича қўлаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

ТАРАҚҚИЁТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

— Шайхонтоҳур туманида Мавнавият тарғибот маркази томонидан Президентимизнинг «Миллий гоя тарғиботи ва мавнавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ижросини ҳаётга кенг татбиқ этиш мақсадида туман аҳолиси, айниқса ёшлар ўртасида мавнавий-маърифий тарғибот ишларини қўлайтириш, уларни Ватанга муҳаббат, Истиқлол гояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тарбиялаш, юртимизда олиб борилаётган ислохотларни тарғиб этиш бўйича қўлаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

ЖАМИЯТ МАВНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ — ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИГА АЙЛАНГАН. АЙТИШ ЖОИЗКИ, МАВНАВИЯТ — ТАРБИЯДАН БОШЛАНАДИ. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИЗ МАВНАВИЯТНИНГ БЎЛМАСИГИ БАРЧАГА АЁНДИР. МАМЛАКАТИМИЗДА КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЁШЛАРНИ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МАЪНАВ ҲУҚ ШАХС ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ МУҲИМ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2005 ЙИЛ 25 АВГУСТДАГИ «МИЛЛИЙ ГОЯ ТАРҒИБОТИ ВА МАВНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ БЎЙИЧА ШАҲРИМИЗДА КЕНГ ҚўЛАМДАГИ ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ШУ ЖУМЛАДАН БУ БОРАДА ШАЙХОНТОҲУР ТУМаниДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН МАВНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ҲАМ ДИҚҚАТГА САЗОВОР ДЕЙИШ МУМКИН. БУ ҲАҚДА ШАЙХОНТОҲУР ТУМАН МАВНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ РАҲБАРИ САБОХАТ ҲАМИДОВА БИЗГА ҚўЙИДАГИЛАРНИ ГАПИРИБ БЕРДИ.

касбга йўналтириш мақсадида туман Ёшлар ижодиёти уйда турли тўғаракларга жалб қилинмоқда. Бу борада маҳалла — мактаб — оила

нинг навбатдаги машғулотида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол тарбиялаш, таълим бериш асосий вазифа қилиб олинди. Шунингдек Олим Ҳўжаев маҳалласида «Маҳалла ёшлар билан обод», «Сарҳуддон» маҳалласида «Диний ақдараднинг олдинчи олимпиада маҳаллалик ўғрини», «Тошкент — маданият ва маънавият ўчоғи», «Исломда айвонли ўғрини», «Ёшлар мавнавияти» мавзуларида ўтказилаётган тадбирлар шулар жумласидандир. Шунини таъкидлаш ўринлики, тумандаги олий ўқув юртлири ўқитувчилар жамоаси маҳаллалардаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида барча маҳаллаларга бириктирилган ва айни пайтда улар жойларда самарали иш олиб боришмоқда.

Айтиш жоизки, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши маданият ва санъат, фан ва таълим ривожига билан узвий боғлиқ эканлигини яқши англашимиз зарур. Зеро юксак маънавиятли, маърифатли эл тараққиётга эришади.

Гулором ШОКИРОВА суҳбатлашди.

ҳамкорлиги яқши натижалар бермоқда.

Шунини ҳам таъкидлаш керакки, йил бошидан буюн «Сузокта» маҳалласида «Ватан остонидан бўлган» мавзусида маҳалла фаоллари ҳамда ёшлар иштирокетида ўтказилган тадбирда ёшларнинг ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, аждодларимиз меросини ўрганиш барчанинг вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланди. «Гулобод» маҳалласида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш мавзусида ўтган тадбирда Ватан хиромияти ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлиги, уни кўзи қорачиқидек асраш учун ҳар биримиз масъул эканлигимиз ўқиб ўтилди. «Исломобод» маҳалла гузариди бўлиб ўтган «Саодат чамани» мактаби-

МИЛЛИЙ МАҚОМЛАРИМИЗ БИДИМДОНИ

ҲАЁТИМИЗНИ КҮЙ ВА ҚўШИҚСIZ ТАСАВВУР ҚИЛИШ ҚИЙИН, АЛБАТТА. ДАЙНИҚСА, МИЛЛИЙ МУМТОЗ ҚўШИҚЛАР ҚАЛБИНИЗГА ОРОМ БАХШ ЭТИБ, ДИЛЛАРНИ ЧАРОҒОН ҚИЛАДИ.



Ҳасан Ражабий, ёш эстрада хонандаси Азиз Ражабий сўзга чиқиб, Юнус Ражабийнинг ҳаёти, у кишининг устозлари ва сафдошлари ҳақидаги хотираларини фахрлини сўзлашди ва мумтоз қўшиқлар, сахна ролларидан парчалар икром эитиб йилгиланлар қалбига хуш қайғи — Богимизда «Мавнавият гулшани» туркумида мана шундай эл севган санъаткор хотирасига бағишлаб хотира анжуманларини ўтказиш анъанасига айланиб, — дейди биз билан суҳбатда Фахрулло Мавзӯдов олиб берди. Хотира анжуманида мусиқашунос олим, Ўзбекистон санъат арбоби Аҳмаджон Жаббаров сўзга чиқиб, Юнус Ражабий ҳаёти ва сирқира ижоди, унинг ноёб истеъдоди ҳақида тўққиланчи гапирди. Шунингдек тадбирда Ражабийлар сулоласидан Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусов, Ўзбекистон халқ ҳофиси

Суҳбатда: ақдлий-муслиқ хотира анжуманидан лавҳа Равашон Шоқиров олган сурат

Бугунги кунда миллий мусиқа маданиятининг атоқли намояндаларидан Ражабийлар сулоласини билмайдики киши бўлмаса керак. Маълумки, шу йил январь ойида атоқли хонанда ва созаанда, бастакор, «Буюк хизматлари учун» орденни соҳибқил академик Юнус Ражабий таваллудининг 110 йиллиғи кенг нишонланди. Шу муносабат билан республикамизда жуда кўп турли адабий мусиқий тадбирлар, давра суҳбатлари, ражабийхонлик кечалари бўлиб ўтди. Ана шундай тадбирлардан бири кунни кеча Фахур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилди. «Мавнавият гулшани» даврасининг «Хотира — муқаддас» туркумида «Мақом мулкининг султони» деб номланган адабий-муслиқ хотира анжумани бастакор, созаанда ва хонанда, академик Юнус Ражабий таваллудининг 110 йиллиғига бағишланди.

Анжуманида Юнус Ражабийнинг оила аъзолари, сулоалари ҳамда санъатсевар муқлис-лар йилгиландилар. Тадбирни Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фахрулло Мавзӯдов олиб берди. Хотира анжуманида мусиқашунос олим, Ўзбекистон санъат арбоби Аҳмаджон Жаббаров сўзга чиқиб, Юнус Ражабий ҳаёти ва сирқира ижоди, унинг ноёб истеъдоди ҳақида тўққиланчи гапирди. Шунингдек тадбирда Ражабийлар сулоласидан Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусов, Ўзбекистон халқ ҳофиси

Замонавий оилаларда бола шахсини тарбиялаш жараёнида умумий ва ҳусусий мезонлар ва вазифаларини билиш, ҳис қилиш нияҳида аҳамиятлидир. Тарбиянинг ўзига ҳос ҳусусиятларини аниқлаш учун оила тузилишининг, миллий ўзига ҳосликнинг ва ота-оналар миллий урф-одат анъаналардан фойдаланиш даражасининг қандай эканлигини билиш мақсадга мувофиқдир. Оилада бола шахсининг маънавий дунёсини шакллантириш учун зарур руҳий хотир-халмик, эркин ва сокин муносабат, ўзаро товулиқ муҳити яратилган бўлиши зарур. Ота-оналар ўртасида ўзаро муҳаббат, фикрий бирлик, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ишонч ва меҳр, фидойилик ва содиқлик мавжуд бўлса, бундай муомала бола тарбиясига ижобий таъсир қилади.

Шундай юксак оила муҳитида тарбияланган фарзанд чинакам бахт, қувони нима эканлигини тасаввур қилади: яшаш мақсадларига, шу маслакка асосланиб ўлғаяди. Натижада оила жамиятини маънавий ва моддий юксакликка олиб чиқувчи шахсни вояга етказди.

Мулоҳаза — ТАРБИЯ — ПОКЛИК, ЭЪТИҚОД

ЖАМИЯТ МАВНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ — ЁШ АВЛОД ҚАЛБИДА ЭЛ-ЮРТ, ОТА-ОНА ОЛДИДА МАСЪУЛИЯТ, ҲАЛОЛЛИК, ПОКЛИК, ИМОН-ЭЪТИҚОД ВА ИРОДА ТУШУНЧАЛАРИНИ МУСТАҚАМЛАШ ЭКАНЛИГИНИ ДОИМО ЁДДА ТУТИШИМИЗ ЛОЗИМ.

А. Авлоднинг тарбия ҳақида шундай фикрларни келтириб ўтган. «Жаноби Ҳақ инсонларнинг асл хилқатда истеъдодли ва қобилиятли, яқши ила ёмонни, фойда ила зарарни, оқ ила қорани, ҳалол ила ҳаромни айирғадор қилиб яратмишдир. Лекин бу инсондаги қобилиятни қамолга еткурмас тарбия ила бўладур». Бундан шундай маъно англаниладики, инсондаги қобилиятни қамолотга етказиш учун тарбия муҳим аҳамият касб этар экан.

А. Авлоднинг тарбия ҳақида шундай фикрларни келтириб ўтган. «Жаноби Ҳақ инсонларнинг асл хилқатда истеъдодли ва қобилиятли, яқши ила ёмонни, фойда ила зарарни, оқ ила қорани, ҳалол ила ҳаромни айирғадор қилиб яратмишдир. Лекин бу инсондаги қобилиятни қамолга еткурмас тарбия ила бўладур». Бундан шундай маъно англаниладики, инсондаги қобилиятни қамолотга етказиш учун тарбия муҳим аҳамият касб этар экан.

Болалар ва ўсирилари қўллари ота-оналарнинг муомалаларидан норози ҳолда: сабабсиз қўполлик қилдилар, сўқнадилар ва уришдилар. Айрим ҳолларда «хайвон», «зешшак», «хўкиз» каби сўзлар билан ҳақоратлайдилар, дейишадилар.

Домланинг бу фикрларидан шундай ҳулосага келиш мумкин. Кўпгина ота-оналар фарзандларининг илм олиши учун дарсликлар, ўқув анжомлари, уни қизиқтирган соҳа, масалан: мусиқа бўлса рубоб ёки дутор, спорт анжомлари, ҳунар бўлса унга тегишли зарур асбоб-ускуналарни олиб беришга маблағни авшларини назарда тутиш мумкин. Аммо тўй ёки бошқа маросим ўтказмоқчи бўлса, ҳар қанча маблағ кетса ҳам авшларларнинг миллатимизнинг катта қамчиликларидан бири эканлигини эътироф этишмасликнинг иложи йўқ.

Ақром АҚМАЛОВ, педагогика фанлари номзоди

БАҲРАЙН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ: «ЎЗBEKISTON ИСЛОМ ОЛАМИНИНГ ГАНЖИНАСИДИР»

(Давоми. Боши 1-бетда) Ўзбекистонга келишимиздан қўзланган асосий мақсад ҳалқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳурмат-эҳтиром туйғуларига асосланган ўзаро манфаатли икки томонлама муносабатларни қуришдан иборатдир. Ташриф чоғида мамлакатларимиз ташқи ишлар вазириликларига ўртасидаги битимларни имзолаш, ўтказиш тўғрисидаги Меморандум имзоланди. Савдо ва сармоялар соҳасида амалга оширилган лозим бўлган ишлар кўп. Жумладан, Ўзбекистон билан Баҳрайн ўртасида икки томонлама солиққа тортишининг олдини олиш ҳамда сармояларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимларни имзолаш кўзда тутилмоқда. Айни пайтда биз баҳрайлик банк соҳаси вакиллари ва ишбилармонларнинг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш масаласи устидда иш олиб бораётимиз. Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик ҳам истиқболли йўналишлардан биридир. Бу — Баҳрайн фуқароларига ақойиб мамлакатинизга ташриф буюриб, Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро ва шу каби қўлаб бошқа ноҳир шаҳарларини зиярат қилиш имконини беради. Шунингдек, «Gulf Air» ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниялари ўртасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш ҳам кўзда тутилмоқда. — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISECO) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилдаги ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинганидан хабарингиз бор. Бу воқеани Сиз қандай баҳолайсиз? — Биз ISECONING Тошкентни 2007 йилдаги ислом маданиятининг пойтахти, деб эълон қилиш тўғрисидаги қарорини ҳар томонлама қўлаб-қувватлаймиз. Айни пайтда Тошкент доимо ислом маданиятининг пойтахти, ислом англашилари, тикланиши, тараққиёти, уйғунлиги ва бағрикенглик маркази бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

ISESCO қарори бу шаҳарда мавжуд бўлган қадимий ислом анъаналарининг, ўзбек халқи нуносиб равишда босиб ўтган шонли тарихий йўлининг яна бир эътирофидир. Биз Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинишига бағишланган тадбирларда иштирок этишга кўтаринки руҳ билан ҳозирлик кўрмоқдамиз.

— Вазир жаноблари, 1 сентябрь куни Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 16 йиллигини нишонлайди. Утган давр мобайнида мамлакат ҳаётининг барча жаҳаларида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Мустақил Ўзбекистон босиб ўтган йўлга Сиз қандай баҳо бераган бўлур эдингиз?

— Президент Ислам Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон халқи босиб ўтган йўлдадиқатта сазовордир. Бунда, айниқса, Ўзбек халқининг бой тарихий ва маданий меросини тиклаш ва асраб-авайлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам эътиборга молик.

Тошкентни, Самарқанд ва у ердаги Имом ал-Бухорий мажмуасини зиярат қилиш давомида олган таассуротларимизни бир сўз билан ифодалашимиз мумкин. Ўзбек халқи ўзининг тарихий ва исломий мероси билан фахрланишга ҳаққидир. Биз ҳам сизлар билан бирга фахрланамиз.

Жамшид МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА мухбири

ЯПОНИЯДА ЎЗBEKISTONЛИК ЁШ МУСАВВИРЛАР КўРGAЗMASИ

ЮРТИМИЗДА «ЎZBEKISTON МАДАНИЯТИ ВА САЊАТИ ФОРУМИ» ЖАМГАРМАСИНING TAШKIЛ ETИЛИШИ ЎZBEK МАДАНИЯТИНИ JAХОНДА OММАЛАШТИРИШ, ХOРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЖАМОАТИЧИЛИГИНИ ХАЛҚИМИЗНИНГ БОЙ ТАРИХИ, МАДАНИЯТИ, АДАБИЙТИ ВА САЊАТИ БИЛАН МУНАЗАМ ТАНИШТИРИБ БОРИШ, ЎZBEK МИЛЛИЙ ХўНАРМАНДИЧИЛИГИ ВА ТАСВИРИЙ САЊАТИНИ ДУЊГА ТАНИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА OШИРДИ.

Жамгарма ўтган давр мобайнида кўпгина ёрқин лойиҳаларни амалга ошириб, ўз олдига қўйган мақсадларга эришди, десак муболага бўлмайди. Жамгарма томонидан хорижий давлатларда Ўзбекистон анъанавий ва замонавий маданиятини тарғиб этuviчи турли кўрғазма, фестивал, концерт, халқаро анжуманларни ўтказиш анъанасига айланмоқда.

Галдаги мана шундай тадбирлардан бири кун қижар юрт Японияда ўтказилмоқда. «Япония Ўзбекистон болалари нигоҳида» номи билан расмлар кўрғазмаси—халқаро лойиҳасининг тақдироти «Nagano» халқаро клуби, Токио шаҳрининг Мегуро тумани мэрияси, Нагано шаҳри мэрияси, Нагано ва Канагава япон префектуралари бошқаруви ҳамда Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси кўмағида амалга оширилмоқда. Кўрғазма «Шинано Шинбо» марказий газета нашриёти ҳамда Япониядаги етакчи NHK телекомпанияси томонидан оммавий ахборот воситалари, телевидение ҳамда матбуотда кенг ёритилмоқда.

Кўрғазмада намойиш этилаётган суратлар 2006 йилнинг сентябрида мамлакатимизда Жамгарма ва япониялик ҳамкорлар томонидан ўтказилган танлов натижаларига кўра сараланган. Унда 11 ёшдан 16 ёшгача бўлган 150 нафардан зиёд болалар иштирок этишганди.

Кўрғазма ўз иштини Япониянинг Нагано шаҳрида бошлади. Унда Нагано префектураси ҳокими Дзин Муроя, Нагано ҳокимлигининг таълим ва маърифий масалалар бўйича бюроси бош директори Муцуҳиде Тадейра, «Нагано» халқаро дўстлик клуби президенти Хироуджи Коидалар иштирок этди.

— Ўзбекистон Япониянинг руҳи ва маданиятига яқин бўлган давлатлардан биридир, — деди Нагано префектураси ҳокими Дзин Муроя. — Кўрғазмада намойиш этилаётган расмларда Япониянинг ўзига ҳос маданияти ва қадриятларига ўзбек болаларининг ўзига қизиқилишини кўриш мумкин. Мазкур гоя ташаббускори «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамгармаси Япония ва Ўзбекистоннинг кейинги ҳамкорлигини чуқурлаштирибна қолмай, икки давлат болалари ўртасида янги дўстлик кўпчилиги қуришига асос солмоқда.

Кўрғазма ташкилотчилари «Маҳорат учун» ва «Бетақдорлик ва фантазия учун» каби мукофотларни таъсис этишди. Ёш расмларга эъдилик совғалари ҳамда Япон ҳайрат аъзоларининг махсус мукофотлари топширилди.

9-19 июнь кунлари болалар расмлари кўрғазмаси Мегуро халқаро ҳамкорлик ассоциацияси (MIFA) иштирокида Токионинг Мегуро туман мэрияси галериясида тақдим этилди. Мазкур кўрғазма август ва сентябрь ойларида Канагава префектурасининг маданият ва санъат жамгармаси кўмағида Кавасаки шаҳрида ўтказилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, «Япония Ўзбекистон болалари нигоҳида» кўрғазмасининг айнан Японияда ўтказилиши маданият ва санъат соҳаларидаги икки давлат ҳамкорлигини янада кенгайтириб, япон ташкилотлари ва жамгарма ўртасида ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширишга замин яратди. Ён қувонарлики, Япония ва Ўзбекистон мактаблари ҳамда олий ўқув юртлири ўртасида икки томонлама тақриба аламушиш ва малака оширишда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

ОЗ-ОЗ ЎНГАНИБ ДОМО БУЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ХИКМАТЛАР

Бул жаҳон ичра бадавлатсен, гани, Лек кетар чоғида тоғонинг қани?

Бир хунар касб этки, келса охират, Қўлласин жонингни, топгил махфират.

Эй кўнгли, бор ергаким, равшан сенга, Гар балолар келса, ул жавшан сенга.

Ул мухалифларга сир очмоқ надир?

Ўғри билгайму ҳеч хайру савоб?

Рашк, ҳасад кўнгилда кўзғолмоғи чин, Файрилар гар эрса дўстга ҳамнишин.

Олти ёқдан келса дунё ташвиши, Бас, не айлаб ўзни кутқаргай киши?

Воҳ, қаро юз кўрсатур ул, деб мени, Хинду олди, урди тошга кўзгун.

...тўғрилик бергай нажот.

Шукрона — қўлга киритилган неъматларни қўлдан чиқармаслик чораси, янги неъматларга эришмоқ тадориғидир.

Ой нурида йўл юрилмас ҳеч қачон, Офтоб юз очса, бўлгай йўл аён.

Асли сохта бўлгай охир ошкор, Топмагай ҳеч хийлаву алдов қарор.

Ўғри, қаллоб нурга душмандир.

Ҳар киши бўлса умид қайғусида, Очилур бир кун эшик ўтрисида.

Кўза бир кун синмаса, бир кун синар.

Кинасин асрайди пинҳон эр киши.

Бўлмаса тенглик, кўнгиллар тўлмагай, Уйда ғам бўлгай, фароғат бўлмагай.

Биз тилармиз пардаву поклик, салоҳ, Поклик эрмиш икки оламда фалоҳ.

Улки дер, мен молу давлат тўпладим, Деса бўлгай, мунча ахлат тўпладим.

Панд-насихат атри кимга етмагай, Ул палиддир, сўйлама, кор этмагай.

...сўз — дур эрса, кўнгли — осиб,

Сен ўзингни имтиҳон эт аввало.

Мағлуб ўлган махрум эрмасму магар? Махрум ўлган маъдум эрмасму магар?

Сувга отгайдир яланғоч ўзни чун, Ариларнинг захмидин қочмоқ учун.

Сув уза сўнг чарх урарлар арилар, Бош чиқарса, бас, омон бермас улар.

Атри бўлса, сабза гул бўлгай эди.

Соя не эрмиш, чиқаркан офтоб?

Гар оғочдин мева топгайдир ривож, Мева топмоғи учун бордир оғоч.

Гар умиди бўлмасайди мева, бол, Богбон бог ичра эмасди ниҳол.

Кўнгли покларга келур жаннат ҳиди.

Офтоб бир парча ўтдир аслида.

Тилла эрмас, мен сўрайдирмен кўнгли.

Молу дунё ул заифлар домидир, Мулки уқбо лек шарифлар домидир.

Неча шоҳларким, жаҳондин ўтдилар, Бандалик завқини тотмай кетдилар.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

«УНИВЕРСИАДА — 2007» МУСОБАҚАЛАРИНИНГ КЕНГ ЁРИТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА «ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИНИНГ «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» МАРКАЗИ БИНОСИДА МАТБУОТ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Барча техник ва бошқа зарур ускуналар билан жиҳозлангани боис марказ ходимлари телевидение, радио, босма нашрлар ва агентликлар билан бирданига телефон, электрон, факс алоқасини ўрнатиш имкониятига эга бўлмоқда. Матбуот марказининг алоҳида компьютер зали ҳам очилган бўлиб, бу ерда веб-сайт гуруҳи иш юритмоқда. Хусусан, айни пайтда «Универсиада — 2007»га оид дастлабки маълумотлар, ушбу оммавий спорт ўйинлари тарихи ҳақидаги ахборотларнинг электрон кўринишини тарқатиш билан шуғулланмоқда. Шу ернинг ўзиде журналистларнинг ўз тахририятлари билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришиши, ёшлар спорт байрами мусобақаларига тарадуд жараёнларида кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаши, сўнги янгиликларни узатиши учун барча имкониятлар мавжуд.

«Маънавият ва маърифат» марказининг анжуманлар залида ҳамда бевосита матбуот марказида «Универсиада — 2007» қатнашчилари, мураббий ҳакамлари, тадбир ташкилотчилари билан мунтазам матбуот конференцияларини уюштириш кўзда тутилмоқда. — Шунинг ҳам қўшимча қилиш ўринлики, бир-икки кун ичида «Универсиада — 2007» мусобақалари бўлиб ўтадиган Ўзбекистон банклар уюшмаси ва Тошкент темирйўл муҳандислари институти спорт мажмуаларида ҳам матбуот марказининг бўлимлари очилди. — дейди оммавий ахборот воситалари билан ишлашни ташкил этиш бўйича ишчи



«Универсиада — 2007» олдидан

МАТБУОТ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

гуруҳи аъзоси Марат Зокиров. — Ушбу манзиллар бўйича бўлиб ўтадиган мусобақалар натижалари ҳақидаги барча маълумотлар Интернет орқали бош матбуот марказига етказиб борилади. Бундан ташқари, журналистлар марказ бўлимларида бўлганлари ҳолда, асосий жойда ўтказилган матбуот анжуманлари, Универсиадага тааллуқли тури тадбирларнинг видеоёзувлари билан танишиш имкониятига ҳам эга бўладилар. Талаба-ёшлар ўртасидаги мусобақаларнинг Тошкентда бўлиб ўтадиган якуний босқичида барча вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри жамоалари иштирок эти-

шини инobatга олган ҳолда, жойларда муҳбирлик пунктлари ҳам ташкил этилиб, ҳар бир вилоятга «Универсиада — 2007» матбуот марказидан мунтазам равишда сўнги янгиликлар, видеоматериаллар жўнатиб турилади. Бу борада таъкидлаб ўтиш жоизки, ахборот хизмати бугунги замон техник имкониятларига таянган ҳолда юқори даражада ташкил этилиши лозим. Бу эса, шубҳасиз, Универсиада каби нуфузли мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва ўтказилишини кенг ёритишда асосий омилдир.


«Универсиада — 2007» матбуот марказидан олинган хабарга кўра, мусобақа доира-

сида турли танловлар, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ўртасида ҳам бир неча номинациялар бўйича танловлар ўтказилиши кўзда тутилмоқда. Ташкилотчилар томонидан эса энг фаол журналистларга мукофотлар белгиланмоқда.

«Универсиада — 2007» матбуот марказининг телефони — 246-95-84. Мазкур телефон орқали шунингдек, факс-ахборотларни жўнатиш ва олиш ҳам мумкин бўлади. Мусобақа кунлари эса матбуот марказида қўшимча яна учта телефон алоқаси ўрнатилиши режалаштирилган.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Спорт янгиликлари



ЮЛДУЗЛАР БАҲСИДАН БАҲРАМАНДА БЎЛИШДИ

ШАҲРИМИЗДАГИ «ЖАР» СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАСИДА ЮЛДУЗЛАР ЎРТАСИДА САМБО БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ҲАМДА ЭРКАКЛАР ВА АЁЛЛАР, ЁШЛАР ВА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БЕЛЛАШУВЛАРИ НИХОСИГА ЕТДИ.

Мусобақаларда Осие, Америка ва Европа қитъасидан 22 давлат самбо усталари катнашиб галаба учун кураш олиб боришди. Россия, Германия, Хиндистон, Покистон, АКШ, Қозоғистон, Туркманистон, Сингапур, Эрон, Япония, Сурия, Яман, Ливан мамлакатлари шулар жумласидандир. Илк бор чемпионатда 4 кишидан иборат Непал жамоаси ҳам иштирок этди.

Турнирда самбочи эркак, аёлларимиз ва ёшларимиз муваффақиятли қатнашишди. Хусусан 52 килограммгача бўлган вазн тоифасида мураббий Роман Шариповнинг тарбияланувчиси Екатерина Близнцова ўз иштироки билан мутахассису мухлисларни шод этди. У барча учрашувларини турли усуллари қўллагани ҳолда мuddатидан олдин яқунлаб

жаҳон ва Осие чемпиони бўлди. 80 килограммдан ошқ вазнда Дилором Камбарова ҳам ҳамма беллашувларини энгил тарзда ўтказиб, кўш чемпион бўлди.

Муқаддас Каримшакова (60 килограммгача вазн) ҳам чемпионатда ўзига тенг келадиганлар йўқлигини исботлагани ҳолда ҳам юлдузлар ўртасида жаҳон, ҳам қитъа чемпионати хурмат шоҳсупасининг энг юқори пиллапоясига кўтарилди.

Жанговар самбо бўйича ҳамюртларимиз И.Сотволдиев, С.Эргашев, Е.Фуломовлар чемпионликка эришишган бўлса, Ф.Жумаев иккинчи бўлди.

Юлдузлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида 52 килограммгача вазнда Ш.Жўраев, 62 килограммликлар баҳсида О.Пардев, 82 килограм-

мгача ва 100 килограммдан ошқ полвонлар ўртасида З.Расулов ҳамда Х.Ҳасановларга тенг келадиганлар топилмади ва улар ҳақли равишда олтин нишонларни қўлга киритдилар.

Бир суз билан айтганда, ҳамюртларимизнинг ҳар иккала турнирдаги иштироки 31 олтин, 18 кумуш ва 33 та бронза медалларини қўлга киритишларига имкон яратди. Охири-оқибатда Ўзбекистон термаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Чемпионат баҳслари самбонинг ҳақиқий байрамига айланиб кетди, десак муболага бўлмайд.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: турнирдан лаҳзалар. Алексей Попов олган суратлар

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ХУРМАТЛИ МИЖОЗЛАР!

«YO'LOYCHITRANSSERVIS» ягона хўжалик ҳисобидаги маркази ушбу марказга хизмат кўрсатадиган банкнинг ўзгарганлиги муносабати билан ўзининг янги БАНК РЕКВИЗИТЛАРИНИ маълум қилади. Ўзбекистон саноат-қурилиш банкнинг Мирзо Улуғбек филиали, ҳисоб рақами — 2021000000415198001, МФО-00399, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР-ИНН) 201121832, ОКОНХ-51121. Маълумотлар учун телефонлар: 60-14-05, 60-14-06, 63-34-49.

Xurmatli ishbilarmon va tadbirkor janoblar!

«Sharq» nashriyot — matbaa aksiyadorlik kompaniyasi ochiq aksiyadorlik jamiyatiga egalik huquqi asosida tegishli bo'lgan, Mirobod tumani, Buxoro va Nuroniylar ko'chalari kesishgan manzil bo'yicha joylashgan, «Gazetalar ishlab chiqarish majmuasi binosi» ushbu e'lon chiqqan kundan boshlab o'n besh (15) kun o'tqandan so'ng Toshkent Shahar Munitsipal Birja Markazi birja savdolariga qo'yiladi. Boshlang'ich baxosi 1 078 106 (bir million etmish sakkiz ming bir yuz olti) AQSH dollari (to'lovlar O'zbekiston Respublikasi Markaziy banking AQSH dollarining so'mga nisbatan to'lov kunidagi kursi bo'yicha milliy valyutada to'lanadi). Qo'shimcha ma'lumotlar uchun telefonlar: 136-58-11, 133-20-74.

Шайхонтохур тумани сув тақсимооти бўлимининг «Фақат шартнома ва маълумотлар учун» ёзувли думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Ахборот технологиялари университети томонидан Захидов Дамин Яшинович номига берилган 04PO 43 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 2875 нусхада босилди. Қозғоқ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.